



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Конституциясининг
13 йиллигига
багишланади



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ



Тошкент-2005

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЖАМИЯТНИНГ
ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

Тошкент-2005

34(43)

Ф-20.

Тошкент Давлат юридик институти Ўкув-услубий кенгашининг 2005 йил 29 сентябрдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Ш.Х.Файзиев. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жамиятнинг иқтисодий негизлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Сандов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 37-бет.

Таҳрир ҳайъати: ю.ф.д., проф. *М.Х. Рустамбоев*
доцент *Д.Қ. Аҳмедов*
ю.ф.н., доц. *Н. Сабуров*
ю.ф.н. *С.М. Хидиров*

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятнинг иқтисодий негизлари деб, номланган XII бобида мустаҳкамланган қоида-талабларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий-экологик аҳамияти баён этилган. Рисолада Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иктисодий ислоҳотларининг зарурити, ривожланиш тамойиллари ва уларнинг хуқуқий асослари таҳлил этилган, жамиятнинг иқтисодий асоси ҳисобланган мулкчиликнинг шакллари, объектлари, субъектлари ва хуқуқий кафолатлари ҳамда давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари, умумий бойлигимиз ҳисобланган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурсларни хуқуқий тартибга солиш асослари хусусида фикр-мулохазалар билдирилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Библиотека

Самсун
инр. №

32758/10

© Ш.Х.Файзиев.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгандан сўнг демократик хукукий давлат ва фукаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад килиб кўйди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун мустакиллигимизнинг илк кунлариданоқ сиёсий, ижтимоий, иктисолий ва маънавий-маърифий жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бозор иктисолиётининг асосий тамойил ва коида-талаблари мустахкамланган бўлиб, барча мулк шаклларининг тенглиги, хусусий мулк хукукининг дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги ва кафолатлари, ишлаб чикариш ва хўжалик субъектларининг эркин ракобат асосида ривожланиши, истеъмолчилар хукукларининг кафолати учун хукукий пойдевор бўлиб хизмат килади.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистонда иктисолий ислоҳотларнинг бош мақсади - барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иктисолиётини, кучли демократик хукукий давлатни ва фукаролар жамиятини куриш хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir” мавзусидаги маъруzasida 2005 йилда иктисолий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий устувор вазифаси килиб – бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иктисолиётни янада эркинлаштириш этиб белгиланди. Шунингдек, иккинчи асосий устувор вазифа – хусусий тармокнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иктисолиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш қилиб белгиланди. Бу соҳада эса энг муҳим вазифалар:

биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш;

иккинчидан, хўжалик субъектларига нисбатан кўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чикиш, яъни қасдлан содир этилмаган ва катта бўлмаган коидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган холларда жазони кўллашдан воз кечиши;

учинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чикиш имкониятларини кенгайтириши бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржга ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришига қаратилган қатый чора-тадбирлар кўриши, марказлантирилган таҳсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай урининшларга барҳам берини;

тўртингчидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий кўмак, қўшимча солик имтиёzlари ва преференциялар беришни такозо этади.

Тадбиркорликни кўллаб-куватлаш, айникса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб келган.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг вижданан ракобатчилик қилишлари, ҳалол мол-мulk орттиришлари учун ҳар томонлама кенг шароитлар яратиб берилган.

Маълумки, давлатимизнинг Асосий Конунида табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик масалалари, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлик Конституциявий қоида-талабларнинг белгиланиши ўз навбатида давлат экологик сиёсати асосий йўналишларининг хукукий асосини мустаҳкамлади. Бугунги кунда йигирмадан ортиқ табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлик мураккаб муносабатларни тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда белгиланган шахсларнинг экологик хукуқ ва мажбуриятлари, экологик хукукий механизмнинг мазмун-моҳияти ифодаланган бўлиб, уларни амалда қўллашда барча фуқаро, мансабдор шахслар ва давлат органларининг масъулиятини оширишга хизмат қиласи.

КОНСТИТУЦИЯ - ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бозор муносабатларини ривожлантиришига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиши эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидаидир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.¹

Бозор муносабати – бу давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралashiши чекланган, яъни маълум бир жамият эҳтиёжлари асосидагина аралashiши давлат конунчилиги билан белгиланган ўзига хос эркин муносабатлар тизимиdir. Айнан ушбу аралашув бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлик субъектларининг эркин фалиятига давлат органларининг аралашувини чеклаш билан ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги кунда Республикаиз Президентининг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кўллаб-куватлашга, уларнинг мустакил фаолиятига турли аралашувларни чеклаш, уларга кенг йўл очиб беришга қаратилган бир катор Фармон ва қарорлари эълон килинди. Жумладан:

1. 2005 йил 14 июндаги “Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон иқтисодиётда янги босқичга ўтишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди.²

Фармонда тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришининг асосий устувор йўналишлари рӯёбга чиқарилишини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланиши лозим бўлган конун хужжатлари ва норматив-ҳуқуқий хужжатлар рўйхати, тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритиладиган ҳамда ўз кучини

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.

² Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. 23-24-сон, 2005 й.

йўқотини кўзи тутиласетган месъерий хужжатлар белгилаб берилди.

2. 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳукукий химоя килиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни Фармон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни илоҳ килиш ҳамда модернизациялаш, суд-хукук тизимини янада оркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуққ ва конуний манфаатлари ҳимоя килинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл кўймаслик, шунингдек Узбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида кабул килинган.³

Мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибида факат давлат солик хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солик ва валютага оид жиноят аломатлари аникланган тақдирда эса - Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташкири масалалар бўйича ҳар кандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўлиши, факат кўзгатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина конунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина мукобил тарзда текширишга йўл кўйилиши, мукобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллукли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа хужжатларни талаб қилиш ман этилиши белгиланди.

Фармондаги энг асосий янгилик – бу тадбиркорлик субъектларига факат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳукукий таъсир чоралари белгиланганидир. Булар, тадбиркорларнинг фаолиятини тугатиш ва тўхтатиб кўшиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш

³ Узбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. 23-24-сон, 2005 й.

борасида аниқланган ҳолларни истисно этганда, уларнинг банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш, хукуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айrim турлари билан шугулланиш лицензиялари (руҳсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тутгатиш ва бекор қилиш энди тегишли судларнинг карорлари билан ҳал қилинади.

Бундан ташқари Фармонда давлат органларининг ноконуний карорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг конунга хилоф ҳаракатлари (харакатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган заарнинг ўрни суд карори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига копланиши заарларнинг ўрнини қоплаш суд карори билан ана шу етказилган зарар учун айбордor бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, конун хужжатларида белгиланган тартиб ва микдорлarda юкланиши мумкинлиги каби масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорларга нисбатан хукукий таъсир чораларини кўллашнинг судларга берилиши тадбиркорлар хукук ва эркинликларининг мустаҳкам кафолатини таъминлайди.

Фармонда ушбу талабларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши тадбиркорлар фаолиятини асоссиз текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келиши билан бирга, назорат қилувчи органлар томонидан такорий текширишларнинг олдини олди, вактни зое кетказиши ва ортиқча асаббузарликларга чек қўйилди, тадбиркорларга самарали меҳнат қилишлари учун кенг имконият яратилди.

3. 2005 йил 15 июнданги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”⁴ги Қарор тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳалкаро амалиётга мувофик ҳисбот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисботни ноконуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик максадида кабул қилинган ва унда соликлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари саклаб колинди.

Маълумки, ишнинг қўзини билган ҳар бир тадбиркор бажариши керак бўлган ишларининг кунлик эмас, керак бўлса соатлик ҳисобини

⁴ Узбекистон Республикаси Конун хужжатларни тўплами. 23-24-сон, 2005 й.

олиб боради. Ҳисобот даврида эса турли идораларга бориб, ҳисоботлар тоинириши учун 5-10 кун вакти кетарди.

Қабул қилинган Фармонга асосан, энди тадбиркорлар томонидан ҳисоботлар ҳар чорак якуни бўйича топширилади. Ушбу конда нафакат тадбиркорларга, колаверса, назорат органларига ҳам вактларини тежаб, тажалган вактдан самарали фойдаланиш имкониятини келтириб чиқарди.

4. 2005 йил 20 июнданги “Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириши рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-табирлар тўғисида”ги Фармон кичик бизнес субъектларининг жадал ривожлантиришини ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушкини тубдан ошириш мақсадила қабул қилинган.⁵

Карорга асосан, 2005 йилнинг 1 юлидан бошлаб микро фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик, бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солик тўлови жорий этилди, шунингдек янги ташкил этилган бундай корхоналарга бир йил муддатга солик тўлашни кечикириш имконияти белгиланди.

5. Ўз фаолиятини энди бошлаган тадбиркорлик субъектлари етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмасликлари сабабли бу йўлда хатоликларга йўл қўйишлари, ҳисоб-китобда адашишлари мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг хукуқ ва манфаатларини химоя килиш, уларга конуний жавобгарлик белгилашда енгилликлар яратиш мақсадида “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги хукукбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул килинди.⁶

Фармонда тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасдан килинмаган ва кам аҳамиятли хукукбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини кўллаш, шунингдек, материалларни суд органларига тақдим этмасдан, маъмурий тартибда ҳал этиш тартиби ва давлат максадли жамғармаларига тўловлар камрок тушишига олиб келмайдиган хукукбузарликлар бўйича ҳам тадбик килиниши, агар тадбиркорлик субъектининг соликлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги тўғрисидаги хукукбузарлик материаллари суд

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конун хўжжатлари тўплами. 25-26-сон, 2005 й.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конун хўжжатлари тўплами. 23-24-сон, 2005

органларига топширилган холларда, улар етказилган заарнинг ўрнини бир ой муддатда ихтиёрий копласа, ҳамда унинг окибатларини бартараф этса, молиявий санкциялардан озод этилиши белгиланди.

6. Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил килиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин кискартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисидаги конун хужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида 2005 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада кискартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул килинди.

Мазкур Фармонда янги ташкил килинган микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги; микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини хар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса хар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш; тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган заарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равиша коплаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари кўлланилмаслиги ўз аксини топган.⁷

Тадбиркорликни ривожлантириш учун кулагай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, уларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга кўйишига кўмаклашиш мақсадида 2004 йил 3 декабря Узбекистон Республикасининг “Узбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Конуни қабул килинди.⁸ Конунга асосан, савдо-саноат палатасининг асосий вазифалари этиб куйдагилар белгиланди:

- Узбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулокотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташки

⁷ “Тошкент оқиономи” шахар ижтимоий-сиёсий газетаси. №198(10.503), 6.10.2005 й.

⁸ Узбекистон Республикасининг “Узбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Конуни, 03.12.2004 й.

бозорларга олиб чинкинда, шунингдек ракобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришини таъминложуви янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тӯғридан-тӯғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

- бошқа давлатларининг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш ҳамда ривожлантириш;

- тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳакидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тӯғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид килиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-кatalogлар зълон килинишини ташкил этиш;

- тадбиркорликни ривожлантириш учун кулай мухитни шакллантириш, ҳалқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умумэътироф этилган нормаларини жорий килиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқукий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган конун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш

чора-тадбирларини кўриш;

- тадбиркорларнинг ҳуқуклари ва конуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

- тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-куватлаш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси бир қатор хорижий давлатлар билан, жумладан, "Литва Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тӯғрисида", "Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (Савдо-саноат палатаси) билан Эрон Савдо, саноат ҳамда тоғ-кон саноати палатаси ўргасида ҳамкорлик тӯғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб Республикаси Ҳукумати ўргасида савдо тӯғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Чех Республикаси Ҳукумати ўргасида Савдо-иктисодий ва илмий-

техникавий ҳамкорлик тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси үртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бүйіча хукуматлараро комиссия тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси үртасидаги савдо муносабатлари тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Озарбайжон Республикаси Хукумати үртасида 2001-2010 йилларга мұлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Бангладеш Халқ Республикаси Хукумати үртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Словакия Республикаси Хукумати үртасида савдо-иқтисодий ва ілмий-техникавий ҳамкорлик тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Саудия Арабистони Подшохлиги Хукумати үртасида савдо, иқтисод, инвестициялар, техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларыда ҳамкорлик қилиш тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Молдова Республикаси Хукумати үртасида әркін савдо тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Эрон Ислом Жумхурияты Хукумати үртасида савдо-сотик ҳамкролиги тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Польша Республикаси Хукумати үртасида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотик тұғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Хукумати билан Покистон Ислом Республикасининг Хукумати үртасида иқтисодий ва савдо ҳамкролиги тұғрисида”ги ва яна шу каби қатор халқаро Битимлар имзоланган ва үзаро манфаатлы алоқалар йўлга кўйилган.

Турли давлатларнинг иқтисодий негизлари турлича бўлади, масалан социалистик давлатларда иқтисодий негизни асосан давлат мулки ташкил этса, демократик давлатларда эса иқтисодиётнинг негизини турли шаклдаги мулк ташкил этади. Xусусан, республикамизда ҳам давлатнинг иқтисодий негизини хилма хил мулк шакллари ташкил этади.

Иқтисодий негиз – бу давлат иқтисодий ҳаётининг асосини камраб олиб, мавжуд бўлган мулк шаклларининг хусусиятини, ижтимоий йўналишга қаратилган ишлаб чиқариш мақсадини, ижтимоий маҳсулотнинг адолатли тақсимоти тамойилини ва халқ хўжалигини бошқариш асосларини белгилаб берадиган мулкий муносабатлардан иборат.⁹

Конституциямизнинг "Жамиятнинг иқтисодий негизлари"га бағишиланган XII бобининг 53-моддасида мамлакат иқтисодий

⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарх. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил, 154-бет.

асосини ташкил этувчи «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иктисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқукини устунлигини ҳисобга олиб, иктиносидий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланиши» тўғрисидаги конституциявий норма белгиланиб, у ўз ўрнида мамлакат иктиносидий муносабатларини тартибга солувчи конституциявий принцип ҳисобланади. Шунингдек, Конституцияда хусусий мулк бошқа мулклари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги ҳамда мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагана мулкдан маҳрум этилиши мумкин, деб белгиланган. Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг бозор муносабатларида ҳуқукий тартибга солинишини белгилайди, ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя килинишини кафолатлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг асосий максади ва вазифалари - фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя килишдан иборатdir.

Мазкур Қонунда тадбиркорларга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя килиш, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят килиш ҳуқуки кафолатланади. Шунингдек, қонун билан тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш; ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари) ва даромадлари (фойда)ни тасарруф этиш; ташкил иктиносидий фаолият ва ахборот олиш эркинлиги ҳамда пул маблағларини тасарруф этиш; мулк ҳуқуки ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари; хомашё, товарлар ва хизматлар бозорида эркин фаолият юритиш; кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш; фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)дан фойдаланиш; тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик ва бошқа кафолатлари мустаҳкамланган.

Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда ҳалқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-

тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулкчиликка бағишлиган нормалар хар томонлама ривожлантирилиб мулкчиликка оид қоидалар Фуқаролик кодекси ва «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тұғрисида»ги Қонуни ва бошка қонун хужжатларида ўз ифодасини топган.

Республикамиз иқтисодиётида эркинлаштириш жараёни амалга оширилмоқда ва бу жараён энг мухим масалани - мулк масаласини, кўп укладли иқтисодий тузумни ва унда хусусий мулкнинг ҳал қилувчилик ролини таъминлашни тақозо этади. Мулкдорлар синфининг шаклланиши жамиятда барқарорлик ва иқтисодий ўсишин кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай таъкидлайди: "Иқтисодиётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда катъий чоралар кўриш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, - бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш лозимлиги хаммамизга аён бўлиши керак".¹⁰

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади.

Хусусий мулк хукуқининг обьектлари доираси жуда кенг бўлиб, улар: уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзгор буюмлари, акциялар, облигациялар ва бошка қимматбаҳо коғозлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошка ҳўжалик фаолияти соҳасида корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошка ишлаб чиқариш воситалари, ихтиrolар, селекция ютуклари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошка натижалари, истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар қандай мол-мулк қонунларга мувофиқ хусусий мулк бўлиши мумкин, айрим мол-мулк турлари бундан мустасно. Ушбу обьектлар хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши

¹⁰ Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга кайтмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчى сессиясидаги маъruzasi. Халк сўзи, - 2002 йил 5 апрель.

мумкин.¹¹

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 213-моддасига асосан, республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулки (муниципал мулк)дан иборат бўлган давлат мулки оммавий мулк бўлиб ҳисобланади.¹²

Ўзбекистон Республикаси халқи давлат мулкининг субъектидир. Мулкий ҳукукни халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат бошқаруви органлари амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулки: ер (конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда мулк килиб берилган ерлардан ташқари) ер ости бойликлари, ички сувлар, жумхурият ҳудуди доирасидага ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, давлат ҳокимияти ва идора органларининг мол-мулки, республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари, республика бюджетининг маблағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклар, сугурта заҳира фондлари ва бошқа давлат фондлари, давлат аҳамиятига молик корхоналар, давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий маданий соҳа обьектлари ҳамда иктисадий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклар киради. Давлат талаб-эҳтиёжларини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси томонидан ер майдонлари ҳамда бошқа табиий заҳиралар ва обьектларни бериш тартиби Коракалпогистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулки (муниципал мулк) киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-худудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари (масалан: ҳокимлар) амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилмаси бюджет ёки бошқа маблағлар ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташқилотлар, муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинади ёки сотиб олинадиган мулк тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг мулки ёки маъмурий-худудий тузилманинг мулки бўлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари билан тенг ҳолда амалда бўлади ва у бирдай муҳофаза қилинади. Хусусий мулкнинг ҳукукий

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т., 2003 й.

¹² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т., 2003 й.

асоси нафакат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, балки Фуқаролик кодекси ва бошқа жорий қонунларда ўз ифодасини топган.

Фуқаролик кодексининг 207-моддасига асосан, хусусий мулк ҳуқуки шахснинг конун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаррuf этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.¹³

Фуқаролар, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

Конун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ширкат (жамоа) мулки бу хусусий мулкнинг бир тури бўлиб, бундай мулк шакллари умумийлик хусусиятига эга, у эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаррuf этиш ҳуқукларига кўра мол-мулк мулкдорларидан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улushi аниқлаб кўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб кўйилмаган (биргалиқдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасида ширкат (жамоа) мулкининг субъектлари ва обьектлари кўрсатилган.¹⁴ Ширкат (жамоа) мулки маҳалла мулкини, шунингдек, кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкини, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади ва ушбу юридик шахсларнинг мулки хусусий мулк ҳисобланади. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиб бориши давлат корхоналарини ижарага бериш, давлат корхоналарини ҳўжалик жамиятларига айлантириш, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мол-мулкини кооперативлар ва бошқа ҳўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларни тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

Фуқаролик жамиятининг остонаси бўлган маҳалланинг мулки ижтимоий ўзини-ўзи бошқаришнинг бошланғич бўғинлари-

¹³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т., 2003 й.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари. –Т.: Адолат, №1, 1992.

маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулк, маҳалла ахолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек, мол-мулқдан хўжалик мақсадларидан фойдаланишдан келган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, моддий ва хайрия хусусидаги ёрдамлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари берадиган моддий ва молиявий ресурслар асосида вужудга келтирилган мол-мулқдан иборат. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Маҳалланинг сайлаб қўйилган органлари маҳалла мулкига тўла хўжалик юритиш асосида эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Юридик шахс ҳисобланган хўжалик жамияти ва ширкатнинг мулки катнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда конунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулқдан ҳосил бўлади. Акциядорлик жамияти акцияларни сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек, ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва конунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритган мол-мулкнинг эгасидир.

Мулкчилик тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг мулкида бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган обьектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эхсон қилган, ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик килишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидага хайр-эҳсонлар, шунингдек, фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳеч бир турига солиқ солинмайди.

Юкорида таъкидлаб ўтилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини куйидаги иккита асосий қоида:

- биринчидан, мулк шаклларининг хилма-хиллиги;
- иккинчидан, барча мулк шаклларининг тенг ҳукуклилиги ва ҳукукий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишининг кафолатланганлиги ташкил этади.

Демак мулкий муносабатларсиз иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ўз мазмунига эга эмас. Ушбу муносабатларда

давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуки устунлигини ҳисобга олиб, иктиносидий фаолият, тадбиркорлик, ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқукий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Юртимиизда ижтимоий-иктиносидий ислоҳотлар боскичма-боскич амалга оширилиб, бозор инфратузилмаларини шакллантириш орқали кўп укладли иктиносидиёт тизимини йўлга қўйишга эришилмоқда. Иктиносидиёт соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг боскичма-боскич олиб борилишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, хусусийлаштириш, кучли ракобат, баркарор солиқ сиёсати, моддий, жавобгарлик каби бозор иктиносидиётига тегишли талаблар натижасида кам таъминланган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кўзда тутади.

Конституцияимизда белгиланган давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуклари устунлигини ҳисобга олиб, иктиносидий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланиши каби коидалар иктиносидиётимизда туб ўзгаришлар ясалиши, чет эл инвестицияларининг кириб келиши бозор иктиносидиёти механизмининг шаклланишига, аграр соҳадаги ишлаб чиқаришнинг ўсишига имкон яратади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги қонунга мувофик, ҳар бир истеъмолчи куйидаги ҳуқукларга эга:

-Товар ва ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

-товарнинг хавфсиз бўлиши, ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки учун хавфли нуксони бўлгани товар, шунингдек ишлаб чиқарувчининг ғайриконуний харакати туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ хажмда қопланиши;

-бузилган ҳуқуклари ёки конун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат килиш;

-истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш;

-истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоjlар тоифасига киритилган айrim гурухлари учун конун хужжатлари билан савдо, майший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича

Библиотека

СамСХИ

инв. № 32758 / 10

имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.¹⁵

Асосий қонунимизнинг "Жамиятнинг иқтисодий негизлари" деб номланган XII бобида мустаҳкамланган қоидалар асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг куйидаги йўналишларида:

- макроиқтисодий баркарорликка эришиш;
- миллий валюта тизимини баркарорлаштириш;
- бозор инфратузилмаси-яъни, банк, молия, солик, фонд ва товар хом ашё биржалари, сугурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва тузилмаларини шакллантириш;
- хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чикариш;
- чет эл инвесторлари иштирокида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, кимё, енгил саноат ва бошқа соҳаларда ислоҳотлар ўз натижаларини бермоқда.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Мулк ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ҳаракат манбаидир.¹⁶

Мамлакатимизда барпо этилаёган фуқаролик жамиятида инсон ҳукук ва эркинликлари алоҳида зътироф этилган бўлиб, Конституциянинг XI бобида шахсларнинг иқтисодий ҳукуклари белгиланиб, улар давлат томонидан кафолатланади. Жумладан, Конституциянинг 36-моддасида "**Ҳар бир шахс мулкдор булишга ҳақли**" эканлиги қонуний белгиланиб кўйилди. Ҳар бир инсон дунёга келиши, баъзи ҳолларда она корнидалигидаёқ маълум миқдорда мулк ҳукукига эга булиши ва вафот этгунга кадар бу ҳукук унинг мутлак ҳукуки эканлиги конституциявий норма тарзида мустаҳкамланган.¹⁷

Шунингдек, мулкчиликнинг турли хил шакллари ҳақидаги норма 1990 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси"да мулкчилик тўғрисида"ги Қонунида ҳам мустаҳкамланди.¹⁸ Унга кўра, Ўзбекистонда мулк дахлсизлиги қонуний мустаҳкамланди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Истемолчиларнинг ҳукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конуни, 26.04.1996 й.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон", 2003.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон", 2003.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Конуни, 31.10.1990 й.

Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали амал қилинишига ва халқаро шаклига рухсат берилган.

Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

Мулкка эгалик ҳуқуки, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуки, меҳнатнинг оқилона шарт-шароитларига эга бўлиш ҳуқуки, маданият ютукларидан фойдаланиш ҳуқуки ва бошқалар Конституциямизда илк бор мустаҳкамланди. Унга кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва конунда курсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқукига эгадир. Бошқа ҳуқук ва эркинликлар (меҳнат, таълим олиш, ижтимоий таъминот ҳуқуқлари, илмий техника, ижод эркинлиги ва бошқалар) ҳозирги замон ва келажакни ҳисобга олган ҳолда мазмунан бойитилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ҳар бир шахс мулкдор бўлишга, яъни у бирор бир номоддий, моддий неъматга эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф килишга ҳақлидир. Инсоннинг бу ҳуқуки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги, "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ти конунларида ва бошқа қонун ости норматив ҳуқуқий актларда ўз ифодасини топди.

Республикамиз иқтисодиётида эркинлаштириш жараёни амалга оширилмоқда ва бу жараён энг муҳим масалани - мулк масаласини, кўп укладли иқтисодий тузумни ва унда хусусий мулкнинг ҳал килувчилик ролини таъминлашни тақозо этади. Мулкдорлар синфининг шаклланиши жамиятда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни кафолатлайди.

Аввало, Ўзбекистоннинг давлат мустакиллиги, иқтисодий, мустакиллигининг ҳуқукий негизларини яратиш, давлатни бошқариш коидаларини тартибга солувчи қонулар қабул қилинди. Ана шу йўналиш доирасида "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустакиллигининг асослари тўғрисида", "Ер ости бойликлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида", "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида", "Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ти ва бошқа сиёсий-тарихий аҳамиятга эга бўлган қонулар қабул

қилинди.¹⁹ Мазкур конун хужжатларининг қабул қилиниши натижасида ер, ер ости бойликлари, табиий ва минерал ресурслар, яратилган моддий обьектлар ишлаб чиқариш ресурслари Ўзбекистон халкининг ажралмас мулки эканлиги тан олинди.

Иктиносидий тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иктиносидий муносабатларга доир ва, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуи яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ана шундай асосларни белгилаб берувчи қонунлар жумласига «Мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.²⁰

Маълумки, иктиносидий ўзгаришлар ва унинг негизида шаклланган жамиятнинг иктиносидий асоси мулкчилик муносабатларига боғлиқ. Республикада мулкдорларнинг хукуки тан олинади ва конун йўли билан химоя қилинади. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик хукуқини эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг юридик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди, яъни, давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Бунда айниқса, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чукурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакатимиз иктиносидий мустакиллигини таъминлаш, шу билан бирга халк хўжалигининг барча тармоқларида ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ерга бўлган мулкчилик тўғрисидага муносабат

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустакиллигининг асослари тўғрисида"ти Конуни. 30.09.1991 й., Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ти Конуни, 13.12.2003 й., Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамаси тўғрисида"ти Конуни, 29.08.2003 й., Ўзбекистон Республикасининг "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ти Конуни, 03.09.1996 й., Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг узини ўзи бошкарish органлari тўғрисида"ти Конуни, 14.04.1999 й.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисидаги» Конуни. 31.12.1991 й., Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» Конуни. 19.11.1991 й., Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисидаги» Конуни. 19.11.1991 й., Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги» Конуни. 27.12.1996, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисидаги» Конуни. 05.05.1994 й., Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» Конуни. 29.08.1998 й.

конуний тарзда катъиян белгилаб қўйилди. Дехкончиликнинг миллий хусусиятларини, ер ва сувдан фойдаланишнинг тарихий анъаналарини хисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ерларни ўз эгаларига берилиши ва эгалик килиш ҳукукининг мерос килиб колдирилиши мумкинлиги катта аҳамиятга эга бўлди.

Қонунчилик жараёнининг ғоят фаол ривожланиб бораётган йўналиш – хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратиш эди. Бу йўналиш корхоналар ва ташкилотлар янги бозор инфраструктурасини вужудга келишини таъминлайдиган хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини тартибига солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг улкан мажмумини ўз ичига олади.

Энг аввало, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳукук ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул килинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалига) тўғрисида", "Фермер хўжа-лиги тўғрисида", "Дехкон хўжалиги тўғрисида", "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.²¹ Ушбу қонунларда республикада янги хўжалик юритиш механизмининг асосий қоидалари илк бор мустаҳкамланди. Бу қоидалар иқтисодий манбаатдорлик, фойда ва ўз фаолиятининг натижалари учун моддий жавобгарлик масъулиятига асосланади.

Бозор инфраструктурасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибиغا солишини таъминлайдиган қонун меъёrlари фаол шакллантириб борилди. Уларнинг асосий қоидалари «Банк ва банк фаолияти тўғрисида», «Суѓурта фаолияти тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.²²

Энг муҳими, халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган

²¹ Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Конуни, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Конуни, 26.08.2004 й., Ўзбекистон Республикасининг "Дехкон хўжалиги тўғрисида"ги Конуни, 30.04.1998 й., Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Конуни, 28.08.1998 й.

²² Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни, 25.04.1996 й., Ўзбекистон Республикасининг «Суѓурта фаолияти тўғрисида»ги Конуни, 05.04.2002 й., Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Конуни, 27.12.1996 й., Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Конуни, 29.08.2001 й.

ресурсларининг кўпайиши, энг муҳими, жаҳон бозори тизими билан алокаларининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича хукукий онг, хукукий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ.

Хукукий маданият даражаси қабул қилинган конунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгаланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун хукукий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабок шуки, қонунга амал килган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишини ўрганишимиз, ўз хукуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни англашимиз, фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларига хурмат билан муносабатда бўлишимиз лозим.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидан бораётган мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга. Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичидаги энг муҳим ва долзарб вазифа - мулкий муносабатларни тубдан ўзgartирмоқдир. Унинг туб моҳияти мулкни ҳақиқий эгалари қўлига бериши тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиятини тарбиялашдан иборат.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётда давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорлик ташаббуси учун имкониятлар яратиб бериш ҳисобига мулкчиликнинг нодавлат хусусий ва бошқа шакллари қарор топди.

Шу аснода давлат ва умумхалқ мулки деб эътироф этилган, аслида эса эгаси йўқ мулкнинг қаровсиз қолиши ва унинг тақдири ҳеч кимни қизиктираслиги каби бокимандаликка чек кўйила бошлади. Бу жараённинг узвий давоми бўлган "ўзига карашли бўлган мулкни саклаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулқдор зиммасидадир" деган қоида ²⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 174-модасида ҳам мустаҳкамланди.

Кўп укладли бозор иқтисодиётини ҳамда ҳақиқий ракобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг зарурий шарти бўлган, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга карашли бўлмаган

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т. 2003.

бошка корхоналар ва ташкилотларга айлантириш йўли билан давлат монополиясида бўлган мулкчиликка барҳам берилди.

Хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартириш, ундан кўзланган мақсад мулкни чинакам мулкдорлар қўлига топшириб, уларда мулкдорлик туйғусини шакллантириш ва бозор инфраструктурасини ташкил этиш қоидаларини ўзида мужассам этиб, мамлакат иқтисодиётини олға силжишининг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

КОНСТИТУЦИЯ: МУЛК ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ, СУБЪЕКТЛАРИ ВА МУХОФАЗА ҚИЛИНИШИ

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиши экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.²⁵

Жамиятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш билан чамбарчас боғлик. Зоро, ҳеч қайси бир жамиятни мулкчилик муносабатларисиз тасаввур килиб бўлмайди.

Инсоният яралгандан бўён ҳозирги давргача бўлиб ўтган тараққиёт жараёнида мулкнинг турли, яъни ибтидоий-жамоа (уругчилик) даври мулкчилиги, қулдорлик давридага мулкчилик, феодал давр мулкчилиги, капиталистик ва социалистик мулкчиликлари каби кўринишлар маълум бўлиб, мулкчилик муносабатлари таъсирида ҳар бир жамият маълум миқдордага ривожланишига сезиларли таъсир этиб келган.

Маълумки, кишилик тараққиёти дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақаларида турли даврларда, турлича ҳолатларда юз бергани билан, шаклан ва мазмунан айни бир хил тартибда амалга ошган. Жумладан, мулкчилик, мулкка бўлган муносабат жамият тараққиётининг ва кишилар дунёкараши ҳамда эҳтиёжларининг маҳсули сифатида шакллангандир. Демак, Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ривожи иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этувчи, ҳалқнинг моддий манфаатларига хизмат килувчи мулкий муносабатларга боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг энг мураккаб ва жамият иқтисодий тараққиёти учун ўта муҳим омилдир.

Жамият иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этувчи мулк - табиат бойликларини, ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ижтимоий ўзлаштиришга асосланган шахслар ўртасидаги муносабатлар натижаси бўлиб, бунда бирор мол-мулкнинг кимга тегишли эканлиги аниқ белгилаб кўйилади. Биз яшаётган жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилиши ҳам мана шу мулк асосида, унга нисбатан мулк ҳукуқининг кимга тегишли

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.

эканлиги билан белгиланади.

Шу ўринда мулк ҳукуки тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, мулк ҳукуки - бу мулкдорга ўз мулки устидан тўла "хўжалик (эгалик) ҳукмронлиги"ни амалга ошириб, мулкдан фойдаланиш тартиби, йўналиши, уни сақлаш имкониятини белгилашни факат мулкдорга берадиган кенг камровли ашёвий ҳукуқ хисобланади.

Мулкдорнинг ҳукуклари фукаролик конунчилиги учун анъянавий бўлган учликдан, яъни эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этишдан иборатdir.²⁶ Бирокк, мулк ҳукукининг таркибида бошка ҳукуклар ҳам белгиланиши мумкин, шу билан бир каторда мол-мulkни бошкариш соҳасида ҳам. Мулкдор ўзининг барча ҳукукларидан кенг фойдаланган ҳолда мол-мulkни шахсан бошкариши, ёки ушбу ҳукукларнинг маълум бир кисмини амалга ошириб, колган кисмини бошка шахсга топшириши ҳам мумкин. У ўзининг мол-мulkка нисбатан эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳукукларини бошка шахсга топширган ҳолда, мулкдорлигича колади.

Мамлакатимизда мулкчиликнинг ҳамма шакллари баб-баравар ҳимоя қилиниши ва уларнинг тенг ривожланишига шароит яратиб берилган. Мулкнинг дахлсизлиги шуни англатадики, мулкдорнинг мулкий ҳукуклари қонун билан кафолатланади ва мулкдор бу ҳукуклардан факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Мулк ҳукуки муддатсиздир, яъни мулк эгаси ўзига тегишли бўлган мулкдан абадий фойдаланиши, ўзининг мулк ҳукукини хоҳлаган вактда тасарруф килиши мумкин. Чунки, мулк ҳукуки факат мулкдорга тегишли бўлади.

Мулк ҳукуки тушунчаси замирида шахснинг ўзига карашли мол-мulkка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳукукини ким томонидан бузилишидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартиблар асосида уларни бартараф этиш талаби ётади. Демак, Ўзбекистон Республикасида мулк ҳукукига эга бўлган ҳар бир шахс қонуний асосларда вужудга келтирган мулкдан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Бирок, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга заарар етказмаслиги, фукаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукукларини ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси. –Т., 2003.

бузмаслиги шарт. Шунинг учун хар бир шахс яхши англааб олиши керакки, мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш инсонга берилган хукуқ сифатида каралса-да, ўз ўрнида мулк хукуки, мулкдорлик туйғуси маълум даражада масъулиятни ҳам юклайди. Яъни мулк бу нафақат хукуқ, балки масъулият ҳамdir.

Ўзбекистон Республикаси фукаролари, фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ҳамда давлат мулк хукукининг субъектлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фукаролик конунчилигига кўра, мулк хукукининг объектлари: ер, ер ости бойликлари, сув ресурслари, ҳаво бўшлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб ускуналар, ҳом ашё ва маҳсулот, пул, кимматли коғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интелектуал мулклардир.

Мулк хукукининг мазмуни унинг объектив ва субъектив маънодаги тушунчасидан, шунингдек мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф килиш хукукларидан иборат.

Мулк хукукининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк хукукининг вужудга келиши ёки унинг бекор бўлиши билан боғлик бўлган юридик фактлар назарда тутилади.

Мулк хукукининг вужудга келиши асослари жамиятнинг иқтисодий тизимида ўз ифодасини топади. Мулк хукуки табиат неъматларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш, хусусийлаштириш, национализация(миллийлаштириш) килиш, мусодара килиш, эгасиз мулкнинг суд карори билан давлат ихтиёрига олиниши, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам ҳўжасизлик билан сакланадиган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб килиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, ҳазиналарга нисбатан мулк хукукини тан олиш (бошқа усулда яширилган нарсалар) асосида вужудга келади. Шу сингари битим ва шартномалар тузиш, мерос олиш натижасида ҳосил килиш йўли билан вужудга келади. Мулк хукуки мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк такдирини ҳал киладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд карори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк хукукини бекор килувчи конун ҳужжатларига асосан бекор бўлади.²⁷

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси. –Т. 2003.

Давлат мулк шаклларини ривожлантириш учун мулк хукуки субъектлари хукукларининг тенглигини таъминлайди ва унинг химоя килинишини кафолатлайди мулк шаклларини бундай туркумлаштириш учун мулк субъекти макоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги муҳим аҳамиятта эгадир.

Фуқаролик хукукига асосан мулк хукуки мазмунини мулкдорнинг эгалик килиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хукукларининг тизими ташкил этади. Узбекистон Республикасининг Фуқаролик, Ер кодекслари, мулкчилик тўғрисидаги қонунларига асосан республикамиздаги барча жисмоний ва юридик шахслар қонунда белгиланган доирада ўз мулкларига эгалик килиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ хукукларга эгадирлар.

Эгалик килиш хукуки - мулкдорнинг ўз мулкига жисмонан, моддий ва хукуқий эгалик қилишни кўзда тутади.

Фойдаланиш хукуки - жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз мулкининг фойдали жиҳатлари, хусусиятларидан турли эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолиятни белгиловчи хукуклар бўлиб, мол-мулк эгасининг хукукларидан бири бўлиб, бойлик ва мол-мулклардан белгиланган тартибда фойдаланишидир. Мол-мулкдан атроф-мухитга, бошқа фуқаролар, юридик шахслар, давлат манфаатларига зиён етадиган даражада фойдаланишга, шунингдек ушбу хукукни суйистеъмол қилишга йўл кўйилмайди.

Тасарруф этиш хукуки - мулкдорнинг ўз мулкининг тақдирини белгилаш яъни, сотиш, хадя қилиш, ижарага бериш, мерос қолдириш ва бошқа фаолияти билан боғлиқ хукуклари бўлиб, бунда мулкдан ким ва қандай ҳолда фойдаланишини ҳал этади. Тасарруф этиш хукукига эга бўлган шахс мол-мулк эгасининг асосий ваколатларини амалга ошириш хукуки асосида мол-мулк обьектидан фойдаланиш йўл-йўригини белгилаш хукукига эга бўлади. Амалда мулкни тасарруф этиш хукукига реал эга бўлган шахсгина ҳақиқий мулк эгаси ҳисобланади. Тасарруф этиш хукуки икки турга, яъни - бир маротаба амалга ошириладиган тасарруф ҳамда узок муддат давом этувчи тасарруф этишга бўлинади.

Тасарруф этиш хукуки ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси каби мулк обьектларига нисбатан қонунда белгиланган доирада чекланади. Чунки табиат бойликлари инсон кўли билан яратилмаган, табиат қонуниятлари асосида ривожланади ва жамиятнинг тараққиёти учун муҳим табиий тириклик манбаси бўлиб хизмат килади.

Давлат ва ҳуқук тарихидан маълумки, ҳар қандай демократик ҳукукий давлатда инсонга мавжуд бўлган барча ҳуқуклар инъом этилади. Худди мана шу ҳуқуклар давлат томонидан тан олиниб, эътироф этилиши ва уларни амалда бажарилишини таъминлаб ҳимоя этилиши жамиятдаги конституциявий тузумга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида бошқа ҳуқуклар сингари мулк ҳукукини ҳам ҳимоя қилиш қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси ҳамда "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонунида мулк ҳукуки ҳимоя қилиш усуллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 19-боби "Мулк ҳукукини ва бошқа ашёвий ҳуқукларни ҳимоя қилиш"га бағишланиб, унга кўра мол-мulkни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация) ҳамда мулкдорнинг ҳуқукларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳукуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво) усуллари белгиланган.²⁸

Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳукукини амалга оширишни кафолатлади, мулкдорнинг конституциявий ҳукукларини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мол-мulkни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиги олишга ўйлайтиришади.

Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахсларига мулкий ҳукукларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси тенг шароитлар яратиб беради.

Мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мulkни Ўзбекистон Республикаси фукаролик қонунчилигига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳукуқига эгадир.

Мулкий ҳукукини ҳимоя қилиш суд ёки ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган ҳар бир шахсни ўз ҳуқук ва эркинликларини суд оркали ҳимоя қилиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик процессуал Кодексида ҳам ўз аксини топган. Ҳусусан, бу Кодекснинг 1-моддасида "Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахса ўз ҳуқук ва эркинликларини суд оркали ҳимоя қилиш, давлат органлари жамоат бирлашмаларининг ғайриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят этиш ҳукуки кафолатланади".²⁹

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси. –Т., 2003.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Фукаролик процессуал кодекси. –Т., 1997 й. 477a-1-сон.

ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ер ости бойликлари, сув, ўсимилик ва ҳайвонот дунёси ҳамда боиқа табиий заҳиралар умумшилтий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.³⁰

Конституциямизда шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иктисолий, сиёсий-хукукий, маданий-маърифий соҳаларидағи асослари мустаҳкамланган бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза килиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат-хукукий механизмини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга хисобланади.

Шунинг учун ҳам Конституцияда белгиланган коидалар оркали жисмоний ва юридик шахслар экологик хукук, бурч ва эркинликларини ифода этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Узбекистон Республикаси Конституциясида табиат-жамият тизимидағи ўзаро муносабатларни тартибга солувчи маҳсус қоида-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, экология хукуки манбаларининг пойдеворини ташкил этади.

Асосий қонунимизнинг 50,-54,-55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза килиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлик экологик хукукий қоида-талаблар мустаҳкамлангандир.

Конституциямизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдиrlар" - деб белгиланиб, фуқароларнинг экологик мажбуриятларини конституция даражасида мустаҳкамлайди.

"Жамиятнинг иктисолий негизлари" - деб номланган XII бобда, республикамиз ҳаётининг иктисолий асослари, яъни мулкчилик масалалари, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгиланиб, хозирги пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларни чукурлаштиришда аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу бобнинг 54-моддасида куйидагилар белгиланган: "Мулкдор мулкига ўз хошишича эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хукукларини ҳамда конун билан қўриклидан манфаатларини бузмаслиги шарт". Ушбу моддада биринчидан, мулк хукуқининг

³⁰ Узбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Узбекистон», 2003 йил.

мазмунни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш хукукига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик мухитга зиён етказмаслиги, яъни уларнинг экологик мажбуриятлари мустаҳкамланади.

Конституциянинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", - деб, ифодаланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади.

Ушбу конституциявий қоиданинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустакиллигимизнинг моддий асосини ташкил этувчи табиий бойиклар ҳалқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан факат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-хуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоида-талаблари ва тамойиллари асосида атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфисизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул килинди.

Асосий қонунимизда давлат экология сиёсатининг асосий ўналишлари белгиланса, ушбу конституцион қоидаларга мос равишда қабул килинадиган қонунларда атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишининг талаблари, механизми мустаҳкамланади.

Республикамиз мустакилликка эришгандан сўнг Конституциямиз қоида-талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг куйидаги экология соҳасидаги қонунлари қабул килинди:

- "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун;
- "Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида"ги Қонун;
- "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонун;
- "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун;
- "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун;
- "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун;
- "Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун;

- "Ер кодекси";
 - "Ер ости бойликлари тұғрисида"ги Конун;
 - "Давлат ер кадастри тұғрисида"ги Конун;
 - "Ұрмон тұғрисида"ги Конун;
 - "Экологик экспертиза тұғрисида"ги Конун;
 - "Метрология тұғрисида"ги Конун;
 - "Стандартлаштириш тұғрисида"ги Конун;
 - "Хизмат ва махсулотларни сертификатлаштириш тұғрисида"ги Конун;
 - "Ақолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тұғрисида"ги Конун;
 - 'Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тұғрисида"ги Конун;
 - "Радиация хавфсизлиги тұғрисида"ги Конун;
 - "Чиқиндилар тұғрисида"ги конуни ва бошқа қонунлар қабул килинди.

Ушбу конунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлик ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг ҳукукий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиши ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик конунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чоратадирилар каби экологик-ҳукукий қоида талаблари белгилангандир.

Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган Узбекистон Республикасининг конунлари экологик муносабатларни тартиба солиш учун қабул қилинган бўлиб, экология ҳукукининг маҳсус манбаси сифатида эътироф этилади.

Хаммамизга маълумки, конституциявий тамойиллар ва Ўзбекистон Республикасининг конунларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг умумий ва маҳсус қоида-талаблари белгиланади, мавжуд экологик муносабатлар тартибга солинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, амалдаги аксарият асосий қонунларимиз ўзгарувчан, турли табиий худудларимизнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашнинг иложи йўқ. Мана шундай шароитда

қонунларда мустаҳкамланган қоида-талабларни маҳаллий табиий худудларда кўллашда, экологик муаммоларни ҳал қилишда қонун ости меъёрий хужжатлардан фойдаланилади.

Экология ҳуқуқининг конуности меъёрий хужжатлари ҳам мураккаб тизимга эга бўлиб, экологик меъёрлар доираси, кўлланилиши тартиби, маҳаллий давлат ҳокимиияти органлари томонидан қабул қилиш аҳамиятига кўра қуидаги таркибий кисмлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси карорлари;

2. Махсус ваколатли давлат бошқарув органларининг меъёрий хужжатлари (карор, низом, йўриқнома, норматив ва стандартлар);

3. Маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг меъёрий хужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг карорлари амалдаги қонун хужжатлари асосида қабул қилиниб, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлик қоида талабларни белгилайди ва белгиланган доирада умуммажбурий аҳамият касб этади.

Экология соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни саклаш вазирлиги каби органлари ўз ваколатлари доирасида меъёрий хужжатларни қабул қилиб, маълум табиат обьекти соҳасидаги экологик қоида-талабларни белгилайди.

Экологик конунчилик хужжатлари тизимида маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг меъёрий хужжатлари ҳар бир вилоят, шаҳар, туман худудида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлик қоида-талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг асосий ваколатлари тизимида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш белгиланган бўлиб, ушбу соҳада уларнинг масъулиятини оширишга хизмат килади.

Айникса, маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича, эгалик ва фойдаланиш бўйича ер, ўрмон

участкаларини ажратиб бериш, табий ресурслардан фойдаланилганлик учун маҳаллий солик тўловларини жорий этиш билан боғлик карорлари қабул қилиниб, улар ушбу ҳудуддаги барча юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамият касб этади.

Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф-табий муҳитни муҳофаза қилиш, табий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга каратилган конун, фармон, карор, низомлар каби меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилинади.

Конституциядаги коида ва талаблар экологик хукукий муносабатлар тазимидаға асосий тамойилларни мустаҳкамлаб, давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва республикамизда атроф-табий муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат килади.

964

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Конституция - жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг хукукий асоси	5
Конституция: мулк шакллари, уларнинг объектлари, субъектлари ва муҳофаза қилиниши	26
Давлат экологик сиёсатининг конституциявий асослари	31

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

Мухаррир: *К.Боймуҳамедова.*

Техник мухаррир: *Ж.Абдужалилов.*

Мусаххих: *Н.Мирзажонова.*

Компьютерда саҳифаловчи: *А.Худайбергенова.*

Босишига руҳсат этилди: 25.10.2005.

Ҳажми: 2,3 б.т. Адади: 4000. Буюртма: № А-342.

“Ўзбекистон” НМИУ да босилди.

Тошкент шаҳри. Навоий кӯчаси, 30.

